# “XASHAKI LAVLAGI O`SISHI, RIVOJLANISHI, HOSILDORLIGIGA "BIO ENERGY, MISTER POWER, GUMI MIKC, ENTO GUMIN, KALIY GUMAT BIOSTIMULYATORLARNING TA’SIRI

***Xoliqov A.I.***
*Samarqand davlat veterinariya meditsinasi chorvachilik va biotexnologiyalar univarsiteti tayanch doktoranti*

Барча биологик фаол моддалар юқори бўлган "Bio Energy, Mister Power, Гуми Микс, Ento Gumin, Kaliy Gumat биостимулятор, табиий келиб чиқган инновацион такомиллашган маҳсулот. NPK – азот, фосфор ва калий, Амино кислота, Фулви кислота, Гумин кислота хелатланган муҳим микроэлементлар билан махсус ишлаб чиқилган янги авлод ўғити ҳисобланиб, ушбу био препарат ҳар бир қишлоқ хўжалиги экинларининг биологик эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда махсус рецептлар асосида ишлаб чиқилган. «BIO ENERGY» ваMister Power барча стрессларни, шу жумладан гербицидларни қўллаш билан боғлиқ стрессларни камайтиради ва озуқа моддаларининг ўзлаштирилишига ёрдам беради. Хашаки лавлагининг барги орқали пуркаш учун ишлатиладиган сувда эрувчан ўғитдир.Суғориш тизими, иқлими, тупроқ тузилиши, об-ҳаво, экин тури, ҳосилдорлигига қараб фойдаланиш миқдори ўзгаради. Биостимулятордан

«BIO ENERGY» ёрдамида иммунитети ошади, соғлом ҳосилни ривожлантиради ва зарарли “кимё”дан фойдаланмасдан тупроқ тузилишини яхшилаш имконини беради. «BIO ENERGY» иммуностимулятори ўсимликларни физиологик ва биокимёвий ҳимоя реаксияларини кучайтириб, ҳужайра бўлинишини ва кенгайишини тезлаштради илдизни кучайтириб ўсишини тезлаштради, ўсимликнинг салбий иқлим шароитида ҳам юқори ҳимоя қилиш қобилиятига эгадир. «BIO ENERGY» препаратининг асоси бўлган фулво кислота нафақат энг яхши табиий ўсиш стимулятори, балки молекулалари микроэлементлар билан фаол боғланган ноёб хусусиятга эга. Бундай фулво кислота молекулалари микроэлементларнинг ўсимлик танасига тез кириб боришига ва уларнинг тез қабул қилинишига ёрдам беради. Биоэнержи таркибидаги микроэлементлар осонгина кириб боради ва озуқа моддаларининг этишмаслигини йўқ қилади ва фулво кислотаси ўз навбатида ўсимликларнинг фотосинтез ва ҳужайра бўлиниши, генератив органларнинг шаклланиши ва тез ўсишини рағбатлантириш каби ҳаётий жараёнларни фаоллаштиради. Ўсимликнинг вегетатив ўсиш билан боғлиқ жараёнлар ўсимлик иммунитетини мустаҳкамлайди ва илдиз секрециясини рағбатлантиради, бу эса тупроқдан озуқа моддаларининг сўрилишини оширади. Бу жараёнлар рағбатлантирилиши ва фаол бўлиши кафолатланади. «BIO ENERGY» ноқулай об-ҳаво шароитларида ўсимликларни турли стресс ҳолатлардан: Юқумли ва бакетриал касалликларини олдини олади, сувсизлик, сернамлик, гармсел, замбуруғ, вирус, касалликлардан ва майда сўрувчи - кемирувчи зараркунанда хашоротлардан ҳимоя қилади. «BIO ENERGY» препаратда реабилитация, репеллентлик, антидотлик ва синергетик хусусиятлар мавжуд бўлиб — турли биоцид препаратларга ва минерал ўғитларга қўшиб комплекс холда қўлланилганда уларни сингишини, таъсир етиш кучини ва давомийлик муддатини оширади. Экологияга зиёнсиз бўлиб, биолаборатория маҳсулотлари қўлланилган далаларда хам ишлатиш мумкин. Препаратнинг афзалликлари «BIO ENERGY» ўсишни тезлаштиради, ҳосилни 50-60 фоиз оширади; Ўсимликни стресс ҳолатидан тез ва осон қутқаради. Ҳеч қандай атроф муҳитга ва инсонларга зарари йўқ. «BIO ENERGY» Хашаки лавлагида қўлланилганда юқори хосилдорликка еришиш мумкин. «BIO ENERGY» тш хашаки лавлагига қўлланилганда ҳосилни пишиб етилиши 17 -19 кунга тезлашиб, маҳсулот Таркибидаги оқсиллар ва шакар миқдори, ҳажми, сифати ва транспортабеллик хусусиятлари ошади. "Bio Energy, Mister

Power, Гуми Микс, Ento Gumin, Kaliy Gumat биостимулятор хашаки лавлагининг вегетация даврида 2-3 марта сепилади. Натижада ниҳолларни тез ва соғлом униб чиқиши 3-4 кунга тезлашади, ўсимликлар ривожланиши 10-17 кунга тезлашади, ҳосилдорлик 17-20 с/га ва ундан юқорига ошади. Ўсимлик Япроқ орқали Томчилаб 100л сувга 100-300г 2,5 л/га Аралаштириш хашаки лавлагининг ҳимоя қилиш воситалари билан мос келади.